



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 26 февраль, № 41 (7543)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликини мустаҳкамлашга, икки

томонлама ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётганини таъкидланди.

Асқар Мамин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Ёлбоши Нурсултон Назарбаев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Товар айирбашлашдаги юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатларимиз етакчи компаниялари иштирокида кооперация ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастурлар асосида гуманитар ва туризм соҳаларида фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув сўнггида кенг кўламли Ўзбекистон — Қозоғистон шериклиги доирасида янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МХХС) ўтишни жаддаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунаридан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХСга асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида “МХХС бўйича молиявий ҳисобот” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)”, “Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DIPIFR)” сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МХХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқарув агентлиги 2020 йилдан бошлаб, ушбу бандда кўрсатилмаган давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МХХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

КУТИЛГАНИДАН ҲАМ САМАРАЛИ ТАШРИФ

“Илмлари, ижодлари билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюқларимиз тупроқларидан салом келтирган бу инсонларнинг ташрифи биз учун жуда азиз ва қадрлидир”.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган бу мамлакатга 19-20 февралда ташриф буюрган Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевни шундай, ниҳоятда самимий ва ҳароратли сўзлар билан қутлаб, қутиб олди.

Турк биродарларимиз “Ўзбекистон — бизнинг ота юртимиз” деб эътироф этишади. Туркия пойтахти — Анқаранинг гавжум кўчаларидан учтаси Ўзбекистон, 12 таси Тошкент, 8 таси Самарқанд ва 11 таси Бухоро номи билан аталиши, бу ердаги бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда Абу Райҳон Беруний номидаги университетнинг борлиги ҳам худди шундан гувоҳлик беради.

Илм муҳити асрлар давомида Тошкент билан Анқара, Самарқанд билан Конё, Бухоро билан Бурса, Хива билан Эдирнеде боғлаб, ўзаро бойитган. 2020 йилда Ўзбекистонда

улуғ алломалар Абдуҳолиқ Гиждуновий ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудла-

рига бағишланган тadbирлар ўтказилади. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик санаси нишонланади. Шунингдек, 2020 йилда Бухоро шаҳри “Ислом маданияти пойтахти”, Хива шаҳри “Туркий дунё маданияти пойтахти” деб эълон қилинган муносабати билан бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилиши режалаштирилган.



«Халқ сўзи» газетаси учун махсус

Хорижлик экспертлар: «ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН — ЯҚИН ВА ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛАРДИР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19-20 февраль кунлари Туркия Республикасига ташрифи якунлари хорижий мутахассислар диққат марказида бўлиб турибди.

2-саҳифага қаранг. ➡

«Telegraph»:

«ЁРҚИН НУР ТАРАЛАДИГАН ДИЁР»

Буюк Британиянинг машҳур “Telegraph” газетасида Сара Уилернинг Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива шаҳарлари бўйлаб саёҳати ҳақида мақола чоп этилди.

Журналист Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида сўз юритаркан, мамлакатимизни шу кунга қадар етарлича кашф қилинмаган “Ёрқин нур тараладиган диёр” дея таърифлайди.



Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида:

10 га яқин қонун ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронликини аниқлаш масалалари юзасидан парламент сўровини юбориш масаласи;

илгари Вазирлар Маҳкамасига юборилган иккита парламент сўрови натижалари муҳокама қилиниши кутилмоқда ҳамда юқори палата ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар кўриб чиқилади.

ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ВА КўЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан тинчликини асраш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгиланган эди. Утган йилларда бу борада улкан ислохотлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги Фармонига мувофиқ, 2019 — 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди. Барча ҳудудда шифоналар барпо этилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Давлат муассасалари билан бир қаторда, хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадвал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор импийёзлар берилган туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Одамлар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 мингтага етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди. Ихтисослаштирилган автомашиналар парки янгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида соҳадаги ислохотларни давом эттириш, тиббий хизмат сифатини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати ва кўламини ошириш лозимлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар шифокор тўғри келмоқда. Маҳаллий тиббиёт ходимлари кўнкмасини оширишга эътибор қаратилмапти. Ихтисослаштирилган марказ ва ҳудудий муассаса ўртасида вертикал тизим шаклланимаган.

Даволаниш учун ордер бериш тизимида ижтимоий адолат таъминланмаётгани, бу жараёнда фақат давлат муассасалари иштирок этиши рақобатни чеклаётгани қайд қилинди. Шу боис ордер бериш тизимини такомиллаштириш ва очиклигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил қилинди. 20 — 30 фоиз маблағ сама-

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари бюрократик тузилма бўлиб қолгани, ҳудудий даражада касалликларни таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари айни пайтда марказий шифохона бош шифокори бўлгани сабабли вақти ва маблағнинг асосий қисmini касалликларни даволашга сарфламоқда.

Давлатимиз раҳбари касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айлани шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришининг саломатликка фойдасини тарғиб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказди.

ЎзА.

ИБН СИНО ҲИКМАТЛАРИ

● Илм — нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишлиқдир.

● Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

● Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва газабдир.



2020 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА
ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МХХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МХХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги функциялар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МХХСнинг жорий этилишини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МХХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МХХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертифициланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шафдофлигини таъминловчи МХХС бўйича сертифициатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МХХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилӣ тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга мувофиқ уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиетӣ бошқармаси тузилмасида вазирлиқнинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида учта штат бирлигидан иборат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишини мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилсин.

4. Илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирыашмалари билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қўйдагиларни киритсин:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низоми;

2021 йил 31 январга қадар МХХСни жорий этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МХХС бўйича мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш натижаларига кўра тайёрланган бухгалтерларни сертифициатлаш миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тахлилий маълумотнома;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини (кейинги ўринларда — давлат органларининг ходимлари) аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш жадвали ҳар йили тасдиқланишини таъминласин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фаргона политехника институтининг (кейинги ўринларда — тажриба-синов олий таълим муассасалари) “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари асосида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалаврият таълим йўналишида ўқитишнинг кундузги шакли муддатини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин;

2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш ва кейинчалик мазкур тажриба-синов лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитилишини таъминласин, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бухгалтерларни халқаро сертифициатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида тахсил олган педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уларни янгилаб борсин.

7. Белгилансинки:

2021 йилдан бошлаб, МХХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — АХС) бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Аккредитациядан ўтган

ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МХХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертифициатлаш доирасида “МХХС бўйича молиявий ҳисобот” ёки “АХС бўйича аудит” фанини муваффақиятли топишрганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд халқаро бухгалтер сертифициатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилadi;

халқаро бухгалтер сертифициатига эга бўлган магистраторлар олий таълим муассасалари магистратурасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассислиқларида кириш имтиҳонларини топишмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқсин ва унинг МХХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқсин.

9. Белгилансинки, 2020 — 2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертифициатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топишириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади ва қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг бюортманомаларига асосан:

олий таълим муассасаларининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топишириш учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топириши учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқинши тугатгандан сўнг олти ой ичида) имтиҳонни муваффақиятли топишган тақдирда, биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

б) давлат органларининг бюортманомаларига асосан, ўз ходимлари имтиҳон топириши учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда — МХХС фонди) билан битим тусизин;

2020 йилда МХХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига тарҳима қилиш, бошқа тилларда МХХСни

қўллаш билан боғлиқ ҳамда МХХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопласин, 2021 йилдан бошлаб эса зарур маблағлар ажратилишини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда тусин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришри ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгатиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров — мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифати ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, белгиланган тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган қамчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси молия вазири — МХХС жорий қилиниши мониторингини таъминласин, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини МХХС билан уйғунлаштириш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш ва тажрибали ҳамда юқори малакали мутахассисларни МХХСни жорий қилиш жараёнига жалб этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Мажидов — таълим жараёнларида МХХСни чуқур ўқитишни муваффақиятли ва самарали жорий этиш, педагог кадрларни МХХС бўйича сертифициатлаш ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари — мазкур қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Қўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А. Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, мағбўт анжуманлари, мавзуга оид телекурсувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЁВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 февраль

Хорижлик экспертлар:
«ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН —
ЯҚИН ВА ИШОНЧЛИ
ШЕРИКЛАРДИР»

Ниннат ОЛАНВОРАВУТ, Жануби-Шарқий Осиё олий ўқув юртлари ассоциацияси бош қотиби (Таиланд):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга

ташрифи икки қардош халқ ўртасида қарор топган мустаҳкам ишонч ва дўстлиқнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўтказилган учрашув ҳамда музокаралар яқунлари нафақат иқтимоий-сиёсий соҳа учун ўта муҳим, балки тарихий аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгаши ййгилишида иштирок этиш борабариди. Анкарадаги Туркия Президенти ҳузуримида Халқ кутубонасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида. — Агар азим Анкара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди. Бу тенги йўқ маърифат касри барангизга, бутун Туркия халқига муборак бўлсин.

Президентимиз тарих саҳифаларига назар солинса, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиғи олис даврлардан бошланганини ёдга солган. Рум элида туғилиб қалмаган элдан Қозизода Румий буюк давлат арбоби ва алома Мирзо Улугбек расадхонасининг асосчилари-дан бири бўлган. Ўз навбатида, Мирзо Улугбекнинг садақотили шогирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнги йилларини Туркияда ўтказган ва бу юрда аниқ фанлар ривожига бекиёс ҳисса қўлган. Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий ҳам бобоси сингари атоқли аллома бўлиб танилган ва унинг турк илмий-маърифий муҳитида улкан хизматлари бор.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган “Усмон Мушаффи”нинг хаттотларимиз томонидан қўчирилган нусха-син, Жалолиддин Румийнинг машҳур “Маснавий” асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг “Касалиқлар тарихи” асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари, “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган “Улмас кўнгул” деб номланган асарларни, умуман, 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни кутубхонага туҳфа қилди.

Муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналар, яқин дўстлик ва қардошлиқ муносабатлари Ўзбекистон билан Туркияни бирлаштириб туради. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи бу дўстлик ва биродарлиқни янги — янада юксак даражага кўтаришга хизмат қилди.

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.

— Ўшбу ташриф расмий Тошкентнинг сўнги йилларда ҳаёта самарали тарзда татбиқ этиб келаятган очиклик стратегияси доирасида амалга оширилди. Бу Марказий Осиёда ва бутун Евросиё мйнтақасидаги ҳамкорлик муҳитини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Халқ сўзи

2020 йил 26 февраль

«Telegraph»:
«ЁРҚИН НУР
ТАРАЛАДИГАН
ДИЁР»



Муаллифнинг Ўзбекистон билан яқиндан танишиш мақсади-даги сафари Самарқанддан бошланади. Шоҳи Зинда мажмуасида бўлган Сара Уилер макбаралардаги маржон-яшил ранглар жилисини тасвирлаб, ўқувчини меъморини ишонтлолр деразаларидан тушаётган қўш нурунинг гишт қопламаларда товланишидан завқланишга тақлиф қилади.

Хусусан, мақолада шундай келтирилади: “Қусам ибн Аббос макбарасидан чиқар экансиз, Шоҳи Зинда мажмуасининг узун йўлаги кўз ўнгингизда намоён бўлади. Темируйлар меъморчи-лиги дунёда бетакоррдир. У ўз гўзаллиғи билан сизни мафтун этмай қолмайди. Самарқанда, шунингдек, Амир Темирунинг нефрит тошли, гумбазсимон фризлар билан ўралган ва нақшлар туширилган макбараси ҳам бор”.

Британиялик муаллиф Регис-тонни улугворлик касб этган мадрасалар майдони, унинг шимоли-шарқида жойлашган Бибиҳоним макбарасини эса ранглар мўжизаси, деб эъти-роф этади.

Шундан сўнг сайёҳ Бухорога боргани, у ерда шаҳар манза-раси ва Сомонийлар макбараси билан танишгани ҳақида тасвир-лайди. Унинг айтишича, тонг са-ҳарда макбара гиштлари аниқ акс этиб, оқиш рангда жилола-нади.

“Макбарадан унча узоқ бўлмаган масофада ҳайратла-нарли Минораи Калон жойлаш-ган. Бухоро узок йиллар даво-мида Марказий Осиёнинг илм-фан, диний ва маданий маржа-зи бўлиб келган”, дейди журна-лист.

Хива британиялик сайёҳнинг Ўзбекистон бўйлаб сафари йўна-лишида сўнги манзилдир.

“Ичан қалъа” мажмуасининг баланд деворлари ботаятган қуёш нурида оч-сарғиш рангда намоён бўлади. Бу ерда одам-лар кечки маҳал қолдузларга тула осмон остидаги мадрасалар оралаб сайр қилади”, дея ўз таассуротлари билан ўртоқлаш-ди С. Уилер.

«Дунё» АА.
Лондон

КУТИЛГАНИДАН ҲАМ САМАРАЛИ ТАШРИФ

 Ўзбекистонда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти уни-верситетида Турк тилини ўрганиш мар-кази очилган. Тошкент давлат шарқ-шунослик институтида эса турк тили ва маданияти факультетини очиш кўзда тутилган. Юртимизда турк адабиёти ва санъатига қизиқш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганиляпти. Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Қотийбӣ, Тошлжиали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоир-лар иходини халқимиз севиб ўқийди.

Давлатимиз раҳбари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида “Туркий ада-биёт хазинаси” рунида 100 жидд-лик китоблар туркумини нашр этиш госясини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси бутун мусулмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмиронинг Шавкат Мирзиёевнинг сўзбоиси билан “Улмас кўнгул” номли янги кит-обни яқинда ўзбек тилида нашр этилди.

1996 йилда мамлакатларимиз ўрта-сида Абодий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2017 йил октя-брий ойида эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарадиган Қўшма баёғни имзоланган эди.

Натижада давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва халқимизнинг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон — Туркия муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Ушбу ташриф доирасида мустақил Ўзбеки-стон тарихида илк маротаба давлат-лараро муносабатларда мутлақо янги ташқи сиёсат институти — олий дара-жадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил этилиб, ўзаро алоқаларда унинг янги саҳифаси очилди.

Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраисли-гида олиб боради. Сиёсат, хавфсиз-лик ва мудофаа, савдо ва иқтисодиёт, инвестиция, туризм, энергетика, транс-порт ва транзит, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиғи, маданият, таълим, фан ва техника, инновациялар, соғлиқни сақ-лаш ва бошқа ўзаро манфаатли соҳа-лардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Унинг биринчи ййгилишида саноат, қишлоқ ҳўжалиғи, транспорт, фан-таъ-лим, соғлиқни сақлаш каби қўллаб со-ҳаларда муштарак лойиҳаларни амал-га ошириш масалалари муҳокама этил-ди. Туркиялик ишбилармон доиралари вакилларининг ақдиль фиркага кўра, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши мамлакатларимиз муносабат-лари тарихида ҳали кузатилмаган руҳ-да ўтди.

Кейинги уч йилда Туркия билан ўзаро савдо айланмаси икки баробар ошиб, 2,5 миллиард АҚШ долларидан кўпроқини ташкил этди. 2020 йил-да бу кўрсаткични 3 миллиард дол-ларга етказиш кўзланган. Яқин йиллар

ичида товар алмашувини 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбек — турк қўшма ширкатлари сони қарийб мингтага кўнайди. Туркия инвестицияси иштирокида 1300 дан зиёд корхоналар фаолият юрляпти. Уларнинг 500 таси биргина ўтган йил-да ташкил этилди. Турк ишбилармон-лари билан ҳамкорликда 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Туркия компанияла-ри мамлакатимизда қурилиш, энерге-тика, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиғи, озиқ-овқат саноати, туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаоли-ят юрляпти. Бунда қўшма сармо-явий лойиҳалар ижроси назоратга олин-гани, эркин иқтисодий ва кичик сано-ат зоналарида юқори қўшимча қиймат-ли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантириляётгани муҳим омил бўл-ляпти.

Умуман, туркиялик ишбилармонлар Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барча тармоғида мисли кўрилмаган ўзгариш-ларга гувоҳ бўлганликлари, халқимиз-да “ислохотлар тафаккури” шаклла-наётганини мамнуунлият билан қайд қилишмоқда.

Давлатимиз раҳбари Анкара шаҳри-да Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда бир қатор йирик компа-ниялар вакиллари қатнашди.

Бахъешегир университети Василийк кенгаши раиси Анвар Южел ушбу учра-шувдан нияҳтда мамнунигини қуйи-даги илфй фикрлари билан билдирди.

— Ўзбекистонда дастлаб Тошкент шаҳрида болалар богчасидан тортиб, университетгача бўлган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганимиз, — деди А. Южел. — Университетимиз тиббиёт йўналишида фаолият олиб бо-ради, унинг ёнида шифохона қурила-ди. Улар бир-бири билан боғлиқ бўла-ди, назария ва амалиёт уйғунлашади. Ушбу мажмуалар биноларини тез фу-ратларда қуришга розилик олдик. Бир йил ичида ўз фаолиятимизни йўлга қўямиз.

Замонавий халқаро муносабатлар-да парламент дипломатиясининг ўрни ва роли тобора ўсиб бораётган ҳозир-ги шароитда Ўзбекистоннинг Туркий тили давлатлар Парламент Ассам-блеясига аъзо бўлиб кириш масаласи кўриб чиқилляётгани ҳам катта аҳми-ятга эга.

2020 йил 23 апрелда Туркия Буюк миллат мажлиси ташкил топганининг 100 ййиллиғи тантанали нишонланади. Бир аср давомида Буюк миллат маж-лиси Туркия сиёсий ҳаётининг энг му-ҳим институти сифатида мамлакат мустақиллигининг ва демократияни таъминлабнинг асосий таянчи вазифа-сини ўтаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Туркиянинг Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик қилиш бўйи-ча Парламентлараро гуруҳ ташкил этилган. Ҳар икки давлат парламен-т-лари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари да-бора кенгайиб ва фаоллашиб бормоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистон ил-гари сураётган ва расмий Анкара то-монидан тўла маъқулланаётган Ёшлар ҳуқуқлари конвенцияси Туркиянинг Ис-танбул шаҳрида БМТнинг Ёшлар мар-казини тузиш тақлифига ҳамоханлиғи билан ҳам эътиборлидир. Ўз навбати-да, Ўзбекистон Тур

Олий Мажлис Сенатининг
иккинчи ялпи мажлиси олдидан

ЭКСПОРТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ЯХШИЛАШГА
ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ХУЖЖАТ

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида нефть ва газ маҳсулотлари қазиб олиш, ёқилғи-энергетика, кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар фаолият юритмоқда. Вилоятнинг мамлакатимиз саноатидаги улуши 16 фоизни ташкил этаётгани ҳам ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти қай даражада юқори эканидан далолатдир.

Тармок корхоналари томонидан кўплаб саноат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон стандартлари талаби асосида баҳолаш ва халқаро бозорга олиб чиқиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан, десак, муволаға бўлмайди. Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган янги таҳрирдаги “Метрология тўғрисида”ги қонун орқали республикада халқаро нормалар асосида ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши, савдодаги техник тўсиқлар ечилиши ва тадбиркорларга янада қулайлик яратилиши назарда тутилган. Энг муҳими, қонуннинг самарали ижросини таъминлаш метрология бўйича ўтказилган ўлчаш натижаларини нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishiга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши биргина бизнинг вилоятимиздаги 100 мингга яқин ўлчаш воситаларини калибблаш, метрология хизматларини ва янги иш ўринларини ташкил этишга шароит яратади.

Соҳага оид янги таҳрирдаги ҳуқуқий норма-

лар маҳаллий корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати халқаро талаблар даражасида бўлишини таъминлашга қаратилган сиёсатга тўлиқ мосдир. Республикаимизнинг бошқа иқтисодий салоҳияти юксак ҳудудлари сингари Қашқадарё вилоятининг ҳам экспорт кўрсаткичларини янада яхшилаш имкони вужудга келади.

Қонунда кўзда тутилган нормаларнинг ҳудудлар манфаатларига мослигини аниқлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида муҳокамалар ташкил этилди.

Уларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар шуни кўрсатмоқдаки, қонун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, метрологиянинг халқаро стандартларини республикаимизда жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шермат ШАМСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ
НАТИЖАЛАРИ НИМАНИ
КЎРСАТДИ?

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етишлари учун давлат томонидан катта иш қилинса-да, айнан ҳаёт остонасида бу ёшлар кўплаб муаммоларга дуч келади. Айниқса, яшаш жойининг йўқлиги, таълим олиш, ишга киришда юзага келаётган муаммолар тарбияланувчи ўғил-қизларнинг жамиятга ижтимоий мослашувида энг асосийларидан бири сифатида тилга олинади.

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида сенаторлар, вазирилик ва идоралар мутасаддилари, олимлар ҳамда мутасассислар, Меҳрибонлик уйлари ва SOS тошент шахридаги болалар маҳалласи вакиллари мазкур муаммолар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Мажлисида юқорида тилга олинган масалалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровининг натижалари тегишли вазирилик ва идоралар мутасаддилари билан бирга дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўлайитиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат) учун қулай шароитлар яратиш кўзда тутилган. Болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланган.

2019 йил 12 октябрда Сенатнинг тегишли қарори би-

чиларининг аксарияти ўрта махсус таълим муассасасини тугатгандан кейин ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмади

Қўмита йиғилишида етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўлайитириш бўйича “Йул харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси муҳокама этилди.

Хусусан, Меҳрибонлик уйлари ноинституционаллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ижроси, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага қабул қилишнинг бугунги ҳолати, уларнинг ижтимоий мослашуви, уй-жой, иш билан таъминланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳукумат томонидан олиб борилган ишлар натижасида оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробар оширилган, жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига устама ҳақи белгиланганлиги тўғрисидаги ахборотлар эшитилди.

Мазкур парламент сўрови натижалари 2020 йил 28 февраль куни бўлиб ўтадиган парламент юқори палатасининг иккинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниши режалаштирилган.

Мунисхон ҚАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН
ҚОНУНЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАС

Бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Улар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ эмас. Шу жумладан, қабул қилинаётган қонунларга ҳам. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари аҳоли манфаатларини кафолатлаш, оилалар фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш каби муҳим масалаларни қамраб олгани баҳамиятлидир.

22 март Маҳалла
тизими ходимлари
куни этиб
белгиланмоқда

Мажлисида депутатлар томонидан муҳокама қилинган масалалардан бири — “Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Жамиятда аҳоли осийишталиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маҳалла институтининг роли каттадир. Ўзбекистоннинг бой тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ўзига хос институтнинг мавқеини янада ошириш мақсадида, шунингдек, маҳалла тизими ходимлари фаолиятига жамиятда муҳим аҳамиятга эғалигини инобатга олиб, мазкур қонун лойиҳаси билан 22 март санасини мамлакатимизда Маҳалла тизими ходимлари кунини этиб белгилаш тақлиф қилинмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда маҳалла институтини таъминлашда маҳалла тизими ходимлари фаолиятига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, уларнинг обрўси ҳамда мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Савол-жавоблар, муҳокамалардан сўнг, мазкур қонун қабул қилинди.

Тўй, маърака ва
бошқа маросимларни
ўтказиш тартибини
бузганлик учун қанча
жарима солиниши
маълум бўлди

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланган Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам ўтказилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига асосан тайёрланган.

Қонун лойиҳаси билан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига қўйиладиган умумий талабларга риоя қилмаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Чунончи, ушбу тартибни мазкур тадбирларни ўтказувчи шахс томонидан бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган. Тўйхона, кафе ва рестораниларнинг мансабдор шахслари томонидан бу тартибнинг бузилиши эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлади.

Назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўланилганидан кейин бир йил давомида тақрор

содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг элик баравари миқдоридида жарима солинишга олиб келади.

Қонун лойиҳасига тақлиф этилаётган норма парламент қўйи палатасида қийсий партиялар фракциялари ўртасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Баҳс-мунозараларда баъзи депутатлар, фракциялар тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни аҳолига эмас, балки тўйхона, кафе ва ресторанилар эгалари учун қўлайитириш лозимлигини таъкидлади. Бошқа депутатлар эса,



кўзда тутилаётган жарима миқдорларига янада кескин ошириш бу бордаги тартиб-интизомни таъминлашда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Омбудсманнинг
2019 йилдаги
фаолияти тўғрисидаги
ҳисоботи танқидий-
таҳлилий кўриб
чиқилди

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Ушбу масала дастлаб сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида батафсил муҳокама қилинган эди. Муҳокамалар чоғида депутатлар томонидан Харакатлар стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни ҳал этишда Омбудсманнинг бевосита иштирок этиши орқали унинг фаолияти сифатини оширишга қаратилган тақлифлар билдирилди.

Мажлисида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У. Муҳаммадиев ҳисобот билан сўзга чиқди.

Қайд этилганидек, 2019 йил инсон ҳуқуқларини таъминлаш, халқимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга йирик воқеаларга бўй бўлди. Хусусан, мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси, деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган 5 868 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Муваффақиятли амалга оширилган

инсонпарварлик тадбирлари доирасида Яқин Шарқдаги қуроли мижорлар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Омбудсман томонидан фаолиятнинг бош йўналиши сифатида қамқода сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилди. Тасдиқланган ҳававал доирасида миллий превентив механизм мандати билан қамраб олинмадиган 30 га яқин муассасаларга йил давомида парламент палаталари билан биргаликда мониторинг ташрифлари амалга оширилди.

2019 йилда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 12 822 та (2018 йилда — 10 832 та) мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 38,8 фоизи инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, 31,6 фоизи

нинг эркин муомаласи йўлга қўйилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металлларга хом ашё сифатида бўлган эҳтиёжи қондирилади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқувчилардан ёки биржадан сотиб олиш имкони яратилмоқда.

Унда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланяпти. Бу қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, истёмоқчиларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, ҳалол тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, лойиҳа қимматбаҳо металллардан асалган буюмларнинг асильлик даражасини аниқлаш ва тамғалаш тартибини соддалаштиришни назарда тутди. Унга қимматбаҳо металллар ва тошларга эғалик ҳуқуқини назарда тутувчи нормалар киритилган бўлиб, бу қимматбаҳо металлларга оддий товар сифатида қараш, тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар ҳам уларга эғалик қилиш, ўрнатилган тартибда эркин тасаруф этиш имкони беради.

Мазкур қонун лойиҳасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган заргарлик буюмларига ўзлари ишлаб чиқарувчи тамғаси билан тамғалаш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Янги қилирдаги
Шаҳарсозлик кодекси

“Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги (янги таҳрир) қонун лойиҳаси муҳокамасида айтиб ўтилганидек, амалдаги кодекс маънан эскирган бўлиб, унда шаҳарсозликнинг техник тартибга солишнинг замонавий механизмилари ва рақобат муҳитини яратиш тизимлари кўзда тутилмаган. Кодексининг янги таҳририда эса 26 та янги модда қўшилди, амалдаги 20 дан ортиқ моддаларнинг мазмун-моҳияти кенгайтирилган.

Кодексининг янги таҳририни қабул қилиш натижасида аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шаҳар чегараларини аниқлашнинг янги қонуний асослари яратилиб, бу борада бюрократик тўсиқлар бартараф қилиниши таъминланиши қайд этилди. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишининг тартиби ҳамда уларнинг йўналишлари аниқ белгиланб берилади. Соҳада жамоатчиликнинг кенг иштироки таъминланиши атроф-муҳит муҳофазаси ва инсонларнинг соғлигини асрашга замин яратиб, энг мақбул ва адолатли қарорлар қабул қилинишига туртки беради.

Ўз навбатида, қурилишни давлат томонидан тартибга солиш функциялари белгиланиб, қурилиш сифатини яхшилаш, маблагларнинг оқилона сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Қурилишда суғурталаш белгиланиши натижасида қурилиш объектларининг тасодифан зарарланишининг олдини олиш кафолатланган. Лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини сифатли олиб бориш, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга туртки беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ФИДОЙИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида «O‘zbegin ayoli – 2020» Миллий мукофотини тантанали топиширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан театр саройига вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар тақлиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Нарбаева, Миллий масмедини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вазирлиги кенгаши раисининг ўринбосари С. Мирзиёева аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий ҳимоясини қўлайитириш масалаларини давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини таъкидлади.

Юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалар, ижодий танловлар, наинки онахонлар байрами арафасида, балки мунтазам ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Аслида соғу беморлигига қарамай, оиласи, муқаддас кўргони, фарзанду неваралари атрофида доимий посбондек гирдиқалапал бўлган, уларни оқ ювиб, оқ тараган, умрини рўзгорининг битмас-туганмас ташвишларига бағишлаган мушфиқ онахонларимиз, му-



ЎЗА суратлари.

фардан ортиқ аёлларнинг ҳужжат-лари тақдим этилди. Танлов ғолибларини аниқлашда уларнинг ибратли фаолияти, фидойилиги, намунали эзгу амалларига асосий эътибор қаратилди. Ҳақамлар ҳушсаларига кўра, уларнинг ўн бир нафари ғолиб, деб топилди. «Самимий аёл» номинацияси

ғолиби Сабоҳат Жалолова турмушнинг турли синовларини матонат билан енгиб келади. Сабри синовларда тобланган аёл ўзгаларга кўмаклашишдан қарчмамайди. У



Баҳодир Жалоловдек бокс бўйича чемпионнинг онаси. Яна бир чемпион Муроджон Аҳмадалиевнинг онаси — Ойшахон Фаёзова ҳам мазкур номинациянинг ғолиби. Онахон ўттиз йилдан ортиқ ўқитувчи бўлиб ишлаб, эндиликда маҳалла фуқаролар

йигини яраштирув комиссияси тарқибда фаолият кўрсатмоқда. У қўллаб-қувватлаш оилаларининг ажралишига йўл қўймади. Эҳтиёжмандларни уй-жой, иш билан таъминлашга муносиб хисса қўшмоқда.

«Сабли аёл» номинацияси ғолиби Лола Раҳмонова дунёни

қалб кўзи билан кўрса-да, бешта тили билади.

«Иродали аёл» номинацияси соҳибаси Нилуфар Аҳмедова матонатини ҳаётининг ҳеч қандай синовлари сандира олмаган. Эндиликда Нилуфар сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

«Довюрак аёл» й ў н а л и ш и ғолиби Калбике Жиемуратова қанчадан-қанча чақалоқларнинг соғ-омон дунёга келишини таъминлаган. Дояликдек гоят қалтис касбада она ва бола ҳаётини асрашни муқаддас бурч, деб билди.

— Элик бир йилдан бери шу соҳада меҳнат қилмоқдам, — деди К. Жиемуратова. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бизнинг Мўйноқда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси қалбимизга ифтихор бағишлайди.

Тадбирда яна бир ғуруҳ фидойи аёлларимиз турли номинациялар билан ғолиб бўлдилар. Тадбирда мукофот соҳибаларига махсус статуэтка, диплом ва эсдалик совғалар тантанали топширилди. Мафтунокр баҳор соғинчи, жонахон Ватанимиз, мунис онахонларимиз мадҳ этилган қуй-қўшқилар ижро этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Депутатлар — ҳудудларда

БУНДАЙ ШАРОИТДА ТАЪЛИМНИ
СИФАТЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИНИ?

Сайловчи қачон депутатга ишонади? Қачонки, депутат унга берган ваъдалари устидан чиқа олса, қачонки, унинг муаммоларини ўрганиб, жойида ҳал этишга қўмақлашса, шундагина одамларнинг ишончи ортади. Шу нуктаи назардан, бугун ҳар бир партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига катта эътибор билан ёндашиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказишга жиддий аҳамият қаратапти.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ҳамда партиянинг Марказий Кенгаши аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи шу йилнинг 19 — 22 февраль кунлари Жиззах вилоятида бўлиб, у ерда таълим-тарбия соҳасида мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим тизимини ислох қилиш, унинг сифатини ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлигини ўрганиди. Маданият марказлари фаолияти, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ижтимоий-маънавий муҳит, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва аҳоли бандлиги бўйича қилинаётган ишлар таниди.

Ўрганишларда мактабларда ўқув ўринларининг сони реал ўқувчилар сонига нисбатан номуносиблиги, кутубхона, ошона, спорт ва фаоллар залларининг аксарият мактабларда яроқсиз ҳолатдаги, иситиш тизимидаги носозликлар, ичимлик сув билан етарлиқ таъминланмагани, мактабдаги турғаклар фаолиятининг тўғри ташкил этилмагани, мактаб учун мусиқа асбоблари, спорт ва лаборатория жиҳозларининг енгилланмагани, мактабгача таълим ва олий таълим тизимлари билан ўзвийлиқни таъминлашга эътибор қаратилмагани аниқланди.

Вилоятдаги аксарият мактабларда ошхона ташкил этилмаган. Санокли таълим муассасаларида буфетлар мавжуд

бўлиб, уларда санитария қоидалари ва меъёриларига тўғри келмайдиган озик-овқат маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Арнасой тумани 8-умумтаълим мактабидида буфетнинг ижара шартномасида газ, электр, иссиқ ва совуқ сув, сув қувурлари мавжуд эмаслиги қайд этилган ҳолда, у мутасадди ташкилотлар томонидан уч томонлама имзоланган. Мазкур шартнома Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли қарори талабларига зид.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган таълим муассасаларида кутубхоналар бадий адабиётлар, электрон ўқув дарсликлари билан охириги 20 йилдан бешта имзоланмаган, айниқса, лотин алифбасидаги бадий адабиётларга эҳтиёж мавжуд.

Умумий ўрта таълим мактабларида ҳам таълим сифати қониқарсиз аҳолида. Бу депутатларнинг мактаб ўқувчилари билан ўқув дарсликлари юзасидан ўтказган суҳбатига аён бўлди. Шу-нингдек, ўқув лаборатория жиҳозлари йўқлиги, ҳатто 10 ва 11-синф ўқувчиларининг дарсдан кетиб қолиш ҳолатлари учраётгани ташвишлангилдир.

Зарбдор туманидаги Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Кар ва соқов болалар махсус мактаб-интернатида касбий таълим бўйича жиҳозлар, дурадонорлик, тиквечилик асбоблари, физика, кимё фанларидан ўқув лаборатория жиҳозлари йўқ. Ош-

хона музлаткичларидаги гўшт маҳсулотлари қорайиб, сифати бузилган ҳолда сақланаётгани аниқланди. Ўқувчиларга кечки пайт тарбиячилар томонидан таъйиқлар ўтказилаётгани маълум бўлди. Депутатлар бу бўйича зарур чоралар қурилишни билдирди.

Вилоят мактабгача таълим бошқармаси томонидан берилган маълумотларга кўра, аксарият мактабгача таълим муассасаларида бир тайл муаммолар бор. Депутатлар мавжуд камчиликларни бартараф этишга оид айрим тақлифларини илгари сурди.

Ўрганишлар жараёнида фуқаролар томонидан бир неча мурожаат қабул қилинди ва уларнинг айримлари жойида ҳал этилди. Хусусан, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров билан бўлган сайёр қабулда 2005 йилда Пастахор туманида тутилган

Муносабат

ЯНГИ ВАЗИРЛИК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШИГА АРАЛАШМАЙДИ

Сўнги уч йилда маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўлғамли ишлар амалга оширилди.

Соҳада эришилган ютуқларга қарамай, тизимли муаммолар ҳам тўпланиб қолган эди. Замоннинг ўзи ушбу ноёб институтни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ташкилотга эҳтиёж тугилганлигини кўрсатди.

Шу йилнинг 12 февралда Президентимиз раислигида маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноatchиликнинг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалалар танқидий муҳокама қилиниб, камчиликларга самарали ечим топиш мақсадида алоҳида вазирлиқни ташкил этиш таклифи билдирилган. Шу асосда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Ақсарият ватандошларимиз, мутахассислар, экспертлар ва олимлар ушбу идоранинг ташкил этилишини ўз вақтида амалга оширилган ислохот сифатида баҳоламоқда.

Бирок ижтимоий тармоқлар орқали мазкур Фармон моҳиятини чуқур англаб етмай туриб, бундай давлат органини ташкил этишга бўлган зарурият ва унинг вазифалари билан яқиндан танишмасдан муносабат билдираётган, хусусан, “янги вазирлик маҳалланинг мустақил институт сифатида макромизга таъсир этади” ёки шунга ўхшаш фикрда юрган фуқаролар ҳам йўқ эмас.

Тўғри, барча фуқаролар эркин фикр айтиш ҳуқуқига эга. Аммо бу масаланинг асл моҳиятини четда қолдириб, бир ёклама фикр юритиш, дегани эмас.

Мутахассис сифатида айтишнинг мумкин-ки, бу борадаги хавотирларга ҳеч қандай асос йўқ. Нега деганда, оила масалалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муносабатларни амалга ошириш мақсадида шунга ўхшаш вазирлиқлар ёки

бошқа номдаги бошқарув органлари қўллаб-қувватлаш амалиётида мавжуд. Бу ижобий жиҳатдан ўзини оқлаган тажрибадир.

Масалан, Буюк Британия, Жанубий Корея, Канада, Сингапур, Туркия, Малайзия, Хорватия, Ҳиндистонда бир неча асрдан бери буён оила, ёшлар ва ўзини ўзи бошқариш масалалари бўйича махсус вазирлик ҳамда идоралар самарали фаолият кўрсатиб келяпти.

Масалани янада чуқурроқ кирадиган бўлсак, Буюк Британияда Ўзини ўзи бошқариш, уй-жой қурилиши ва жамоа масалалари бўйича вазирлик ташкил этилган. Мазкур идора амалиётда аллақачон ўзини оқлаб улгурди.

Вазирлиқнинг асосий вазифалари сифатида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълимни ташкил этиш, ҳудудни режалаштириш, ердан фойдаланишни бошқариш, ёнғинга қарши ҳимоя, сув таъминоти, канализация, санитария корхоналарини ишлатиш, аҳолини газ, иссиқлик қуввати ҳамда электр тармоқлари билан таъминлаш, дафн этиш жойларини озода сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш каби маҳаллий аҳамиятга молик масалалар белгиланган.

Энди яна давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон мазмун-моҳиятига қайтиб, айрим нуқтаи назаримизни билдирсак.

Биринчидан, Фармонда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур

шароит яратиши, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга қўмақлашиши таъкидланган.

Бу маҳаллалар ишига ҳеч қандай давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмаслигини, аксинча, ушбу ноёб институт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва қўмақлашишга қаратилганини аққол кўрсатиб турибди. Вазирлик оилавий масалаларга аралашмайди, фуқаролик жамиятига пўтур етказмайди, билъакс, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Иккинчидан, жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида қўмақлашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш вазирлиқнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Учинчидан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ўрни ва ролини кўчатириш вазирлик фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Яъни бу ерда гап бошқариш ҳақида эмас, балки қўллаб-қувватлаш, жамоatchилик масалалар белгиланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, маҳалла вазирлик тизимига киритилмаётти, аксинча, вазирлиқни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад — шу кўнчага фаолияти самарали ташкил этилмаган маҳаллаларга ёрдам бериш, уларнинг иши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг ягона тизимини яратиш. Шундай экан, ҳар биримиз, аввало, ҳужжат моҳиятини чуқур англаб, таҳлил қилиб, мушоҳада юритиб кейин фикр билдирсак, нур устига аъло нур бўларди.

Ихтиёр БЕКОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти.

ЁЎ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА



Кундалик ҳаётимизда кўп ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради. Айниқса, серкўёш заминимизнинг маҳсулдор ерларида етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг қайта ишланиши бу борада муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мамлакатимиз етакчи тармоқларидан бири бўлган ё-мой саноати бунга аққол мисолдир.

Молия муассасаларида

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ағросаноат комплексида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида мазкур тармоқда маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хом ашёдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжи ва бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “Ё-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур тармоқ тараққиётига берилётган имкониятлар натижасида қисқа фурсат ичида мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган ийрик қўшма корхоналар фаолият бошлаб, маҳаллийлаштириш даражаси бирмунча ошди. 2017 йилдан буён юқори сифатли ё-мой маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланиб келётган пойтахтимиздаги “Sardoba Agro Holding” МЧЖ ана шундай корхоналардан биридир. Бу ерда Ҳиндистоннинг “Gagan International” компанияси билан ҳамкорликда жаҳон стандартларига жавоб берувчи, юқори сифатли ва рақобатбардор тозаланган ўсимлик мейлари, маргаринлар, қандолат ёғлари, кир ювиш совуни учун гидрорегланган хом ашёлар тайёрланади. Барча маҳсулотлар экологик жиҳатдан қулай, гид-

рогенлаш ва трансестерификация қилиш йўли билан ишлаб чиқарилади ва ISO 9001:2008 сертификатига эгадир.

Яншобод туманида жойлашган мазкур ё-мой ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод тўлиқ маҳаллийлаштириш асосида фаолият кўрсатади. Корхона Европанинг айни шу йўналишдаги нуфузли “UKAS” компанияси ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда йилга 25,5 минг тонна маргарин ва перестерификацияланган ёғ тайёрланади. Корхонада ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ҳамда маҳсулотлар сифатини юксатириш мақсадида “Туронбанк” АТБдан қарийб 9 миллиард сўмлик кредит жалб этилди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда истеъмол бозорини сифатли, хавфсиз, арзон ҳамда кенг турдаги ўсимлик ёғи билан тўлдирish борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ё-мой саноатида хориж инвестицияларини жалб қилиш, ўзбекистонлик олимлар ва илмий-тадқиқот институтларининг инновацион соҳаларда бериладиган ҳамда лойиҳаларини рўйбга чиқариш учун шартномалар тузиш ишлари, шунингдек, халқаро сифат стандартларининг жорий этилаётгани соҳа тараққиётида муҳим омил бўлимоқда.

— Корхонамизни аҳолининг ё-мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда маҳсулотларни экспортга йўналиштириш

мақсадида ишга туширдик, — дейди “Sardoba Agro Holding” МЧЖ раҳбари Анвар Исламов. — Албатта, бунда “Туронбанк” АТБ томонидан қўрсатилаётган молиявий қўмакни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Чўнки олинган маблағ аввалига ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни харид қилдик ва айланма маблағларимизни тўлдирдик. Бунинг натижаси ўлароқ, кўнига 70 тонна ё-мой ва перестерификацияланган ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эришдик. 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Маҳсулотларимиз айни пайтда Туркманистонга етказиб берилмоқда ва келгусида экспорт географиясини янада кенгайтириш ниятидамыз.

Айтиш керакки, ё-мой маҳсулотлари тайёрлаш бўйича илгор хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, юқори унумли замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, мазкур мақсадлар учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш тармоқ корхоналари тараққиётида катта туртки бўлади. “Туронбанк” эса бу борада ишбилармонларга ишончли қўмакчи бўлишга доим тайёр.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Onduline®
Yengil tom yopish tizimlari
ONDULINE
CHEREPIITSALARI

www.onduline.ru

+99899-409-00-77
«BAHAR COLOR» МЧЖ ҚҚ

DOOSAN
«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси
махсус қурилиш техникаларини
таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia»
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти
ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.
Тел.: 71-200-00-27 /28.
E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини
юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача),
занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси
VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар,
фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари
Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)
Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
«Ўзғариш» ҚФЙ, Белаиқ маҳалласи, 712-уй.
(Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**

Махсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунини расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳих — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6